

## УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМДА ЎҚИТУВЧИЛАРГА БЎЛГАН ТАЛАБНИ АНИҚЛАШ ВА УНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ

**Эшонкулов Хамрокул Маматкулович**

А.Кодирий номли Жиззах давлат педагогика университети.

ORCID 0000-0003-2573-6383

**Аннотация:** Мактабгача таълим, ўрта маҳсус, касб-ҳунар ҳамда умумий таълим муассасаларида ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжни ижобий ҳал қилиши масаласи умумий ўрта таълим тизимини такомиллаштиришини оптималь тарзда режалаштириши асосида амалга оширилмоқда. Жумладан, мамлакатимиз ҳудудларида педагог мутахассислар тайёрлашга мослашган олий таълим муассасаларининг моддий базаси яхшиланиб, уларга ўқувчилар қабул қилиши ҳамда педагогик мутахассислар тайёрловчи олий таълим муассасаларидаги профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти, ўқувчиларга таълим бериш тажрибалари оширилмоқда, илmlари мустаҳкамланмоқда. Шу билан бирга ҳудудий олий таълим муассасаларидаги педагогларни информатика, ахборот технологиялари, хорижий тиллар, ҳуқуқ, иқтисод, экология ва маънавият-маърифат каби замонавий фанлардан билим бершиларига катта эътибор қаратилмоқда, айни пайтда ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасига асосланган ўқитишининг янги педагогик ва ахборот технологияларига йўналтирилган масофадан ўқитиши технологияси йўлга қўйилмоқда. Шу асосда мамлакатимиздаги ҳамма таълим муассасаларида замонавий ахборот технологиялари ёрдамида дарсларни ташкил қилиши ўқувчиларнинг илмий дунёқарашини кенгайтиши, бир сўз билан айтганда, ўқувчиларнинг илм олишларини таъминлаш учун ватанимизда тўлиқ шароит яратилгандир.

**Калит сўзлар:** муассасаларидаги педагогларни информатика, ахборот технологиялари, хорижий тиллар, ҳуқуқ, иқтисод, экология, Мактабгача таълим, ўрта маҳсус, касб-ҳунар.

Бошланғич кўрсаткичларда таълим муассасаларидаги мутахассис ўқитувчиларга талаб маълум тизим ичидаги кўрсаткичлар орқали бошланғич ахборот сифатида қабул қилинади.

Умумий ўрта таълим тизимини такомиллаштиришни режалаштириш учун мамлакатимизда педагогик мутахассисларга бўлган талабни қайтадан ўрганиб чиқиши ҳозирги куннинг долзарб масалалариданdir.

Республикамида ушбу соҳада қилинган илмий изланишларни кузатар эканмиз, ҳисоблашларда камчиликлар мавжудлиги, бундай вазиятда башорат қилиш орқали масалани аниқ ечимиға эришиб бўлмаслиги, шу боисдан ўқитувчиларга бўлган талабни олимлар томонидан ўрганилган усуслар ёрдамида қайтадан кўриб чиқиб, уларнинг энг маъқулини танлаш асосида умумий ўрта таълим тизимини такомиллаштириш мумкин бўлади.

Бунинг учун, худуддаги мактабгача таълим, ўрта маҳсус касб-хунар ўкув юртларининг педагог мутахассисларга бўлган эҳтиёжни таҳлил қилиш керак бўлади. Республика статистика ҳисоби асосида Жиззах вилояти умумий ўрта таълим мактабларини таҳлил қиласиз, 2000-2001 ўкув йили бошида 428та вилоятда мактаб бўлиб, унда ишлаётган педагоглар сони 16120 нафарни ташкил қилган. Уларнинг қўпчилиги туман ва шаҳар марказларига тўғри келади. Масалан, Жиззах шаҳридаги мактабларда 1526 та педагог ишлаётган бўлса, бу қўрсаткич Зарбдор туманида 682 тани, Дўстлик туманида 633 тани ташкил қиласиз. Ушбу ўкув йилида вилоят бўйича 1 нафар ўқитувчига 12,5 нафар ўқувчи тўғри келадиган бўлса, Жиззах шаҳрида 16,06 нафарга, Фориш туманида эса 8,8 нафарга тенгдир.

2017 йилга солиширадиган бўлсак, вилоятдаги умумий ўрта таълим муассасалари сони 526 та бўлиб, уларда таълим олаётган 229279 нафар ўқувчига 19155 нафар малакали педагог билим бермоқда. Жиззах шаҳардаги 30 та таълим муассасаларида 27290 ўқувчи бўлиб, улар 1851 нафар устоздан илм-маърифат олмоқдалар. Зарбдор туманидаги умумий ўрта таълим муассасалари 25 тага қўпайиб, улар 12769 нафар ўқувчини ўз бағрига олган ҳолда, 1020 нафар мутахассис-педагог илмидан баҳраманд бўлаётган бўлса, Дўстлик туманидаги 18 та таълим муассасасида ишлаётган 872 нафар ўқитувчи 11641 та келажагимиз бўлган ёш авлодни тарбияламоқда (2.1-жадвал). Худудий таълим

муассасаларида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг тақсимот коэффициентини эътиборга олган ҳолда, вилоятдаги умумий ўрта таълим муассасаларининг мутахассис-педагогларга бўлган талабни белгилаш коэффициентини аниқлаш формуласини қуидагича ифодалаш мумкин:

$$\mathcal{E}_{mk} = \frac{F_m}{F_k} \cdot 100\% \quad (2.3.1)$$

$F_k$ — таълим муассасаларида таълим берадиган ўқитувчилар сони;

$F_M$ — таълим муассасалари сони;

$\mathcal{E}_{MK}$ — 1 бирлик таълим муассасасига тўғри келувчи ўқитувчилар сони.

Ҳар бир таълим муассасасидаги 1 мутахассис ўқитувчига мос келадиган ўқувчиларни аниқлаш формуласи

$$\mathcal{E}_{yk} = \frac{F_K}{F_Y} \cdot 100\% \quad (2.3.2)$$

орқали ҳисобланади.

Юқоридаги (2.3.1)-(2.3.2) тенгликлар асосида Жиззах вилояти таълим муассасаларидаги ҳолатни кузатар эканмиз, уларни 3 та гурухга бўлсак, унда Жиззах шаҳри, Пахтакор, Мирзачўл туманларидағи биринчи гурухга киравчи ўрта таълим муассасаларидаги педагог мутахассисларга бўлган талаб, Жиззах шаҳри таълим муассасалари бўйича:

$$\mathcal{E}_{MK} = \frac{F_M}{F_K} \cdot 100\% = 0,1 \text{ ёки } 1 \text{ та таълим муассасасида } 73 \text{ нафар мутахассис-педагог;}$$

Пахтакор тумани таълим муассасалари бўйича:

$$\mathcal{E}_{MK} = \frac{F_M}{F_K} \cdot 100\% = 0,2 \text{ ёки } 1 \text{ та таълим муассасасида } 53 \text{ нафар ўқитувчи;}$$

Мирзачўл тумани таълим муассасалари бўйича:

$$\mathcal{E}_{MK} = \frac{F_M}{F_K} \cdot 100\% = 0,2 \text{ ёки } 1 \text{ та таълим муассасасида } 47 \text{ нафар ўқитувчи}$$

фаолият кўрсатмоқда. Ўз навбатида, бир таълим муассасасидаги ўқитувчига нечта мос келадиган ўқувчилар сони қуидагича бўлади:

Жиззах шаҳри таълим муассасалари бўйича:

$$1) \quad \mathcal{E}_{yk} = \frac{F_K}{F_Y} \cdot 100\% = 8, \quad 12 \text{ нафар ўқувчи};$$

Паҳтакор тумани таълим муассасалари бўйича:

$$2) \quad \mathcal{E}_{yk} = \frac{F_K}{F_Y} \cdot 100\% = 7, 13,4 \text{ нафар ўқувчи};$$

Мирзачўл тумани таълим муассасалари бўйича:

$$3) \quad \mathcal{E}_{yk} = \frac{F_K}{F_Y} \cdot 100\% = 7, 12,7 \text{ нафар ўқувчидан иборат.}$$

Олинган натижалар мос равишада қуидаги иккинчи гурӯҳдаги туманлар таълим муассасаларидағи ҳолат қуидагича:

Ғаллаорол тумани бўйича:

$$\mathcal{E}_{MK} = 0,4, \text{ яъни } 25 \text{ нафар ўқитувчи};$$

$$\mathcal{E}_{yk} = 8, \text{ яъни } 12,5 \text{ нафар ўқувчи}.$$

Зомин тумани бўйича:

$$\mathcal{E}_{MK} = 0,4, \text{ яъни } 23 \text{ нафар ўқитувчи};$$

$$\mathcal{E}_{yk} = 6, \text{ яъни } 14,4 \text{ нафар ўқувчи}.$$

Учинчи гурӯҳ таълим муассасалари учун;

Арнасой тумани бўйича:

$$\mathcal{E}_{MK} = 0,2, \text{ яъни } 43,5 \text{ нафар ўқитувчи};$$

$$\mathcal{E}_{yk} = 8, \text{ яъни } 12,2 \text{ нафар ўқувчи}.$$

Дўстлик тумани бўйича:

$$\mathcal{E}_{MK} = 0,3, \text{ яъни } 41,8 \text{ нафар ўқитувчи};$$

$$\mathcal{E}_{yk} = 6, \text{ яъни } 15 \text{ нафар ўқувчи}.$$

Умуман вилоят ўрта таълим муассасалари бўйича:

$$\mathcal{E}_{MK} = 0,3, \text{ яъни } 32,9 \text{ нафар ўқитувчи};$$

$$\mathcal{E}_{yk} = 7, \text{ яъни } 12,6 \text{ нафар ўқувчи тўғри келиб, бу кўрсаткичлар 1991-1992}$$

ўқув йил маълумотлари асосида ҳисобланган.

Ахборотларнинг энг муҳими таълим муассасаларини педагоглар билан таъминлаш бўлиб, унинг асоси ўқитувчининг дарс соатлари ҳисобланади. Ўқув соатлар миқдори бир ўқитувчининг ўртacha ўтадиган ҳафталик дарс соати билан белгиланади. Бу республикада 1-4- синфлар учун умумий ўрта таълим давлат таълим стандартига кўра (2.2-жадвал) 22-24 соатни ташкил қиласа, амалдаги дастур асосида 5-11-синфлар учун 32-39 соатдан иборат.

Умумий ўрта таълим нинг давлат стандарти асосида Жиззах вилоятини таҳлил қиласа эканмиз, умумий ўрта таълим муассасаларидағи ўқитувчиларнинг ҳафталик дарс соат миқдори қаноатлантирган ҳолда фанлар бўйича ўқитувчиларга талаб 78-82% ни, бошланғич таълим ўқитувчиларга бўлган талаб эса 95% ни ташкил қиласди.

Жиззах вилояти бўйича мактабгача таълим, ўрта маҳсус таълим муассасаларида ишловчи ўқитувчиларнинг ҳафталик дарс соатлари миқдори қўйидаги жадвалда келтирилган:

#### **4-жадвал**

#### **Жиззах вилояти таълим муассасаларида ишловчи ўқитувчиларнинг ҳафталик дарс соатлари миқдори**

<b>№</b>	<b>Фанлар</b>	<b>Ўртacha ҳафталик соат</b>
1	Ўзбек тили ва адабиёти	25,3
2	Математика, физика, астрономия	24,8
3	Химия, биология, география	18,6
4	Тарих, жамиятшунослик	18,5
5	Миллий мактаблар учун рус тили ва адабиёти	32,0
6	Жисмоний тарбия	24,6
7	Мусиқа ва ашула	23,2
8	Чет тили	22,9
9	Рус мактаблари учун рус тили	15,3

Мамлакатимизда мустақилликкача бўлган давргача умумий ўрта таълим тизимидағи камчиликлар ўрганилиб чиқилганда, асосан, рус тили муҳим ўрин эгаллаган. Фарзандларимиз ўз она тилини ўрганиш у ёқда турсин, ўз миллий қадриятларини ўрганиш ўрнига рус тарихини ўрганишга мажбур эдилар. Буни биринчи президентимиз И.Каримовнинг қўйидаги сўзларидан ҳам англасак бўлади: «Кечаги тарихимизда бизнинг ғарб тилларини ўрганишимизда она тилимиз эмас, асосан рус тили воситачи бўлиб келди. Шунинг ҳисобига ҳозиргача, мисол учун, инглизча-ўзбекча ва ўзбекча-инглизча луғатлар йўқ»<sup>1</sup>. Ушбу жумлаларнинг таҳлили, мактаблардаги ҳафталик дарс соатларда номутаносиблик мавжудлигини, яъни ўқувчи ўз она тили ўрнига кераксиз фанларни ўқиши, орқали ўзининг она ватани тарихи, замонавий фанларни ўрганишдан маҳрум бўлганлигини, у фақат мактабни битириши етарли деган маънони англатади. Бунинг учтига мактабдаги ўқитувчилар илмий салоҳияти жуда паст бўлиб, бир ўқитувчи бир неча фандан дарс ўтар, эски дарслердан фойдаланилар эдилар.

Мустақиллик бошланган лаҳзаданоқ мамлакатимизда биринчи ва муҳим масала сифатида жисмонан баркамол, билимли, тарбияли фарзандларни тайёрлаш масаласи бўлиб, бунинг учун умумий ўрта таълим тизимини ислоҳ қилиш зарурати керак бўлди.

Мамлакатимизда Давлат ўрта таълим стандартининг ишлаб чиқилиши қўйидагиларга асосланган:

- давлат ва жамият талабларига, шахс эҳтиёжига мослиги;
- ўқув дастурлари мазмунининг жамият ижтимоий тараққиёти ҳамда фан-техника ривожланиши билан боғлиқлиги;
- умумий ўрта таълим нинг бошқа таълим турлари ва босқичлари узлуксизлиги ва таълим мазмунининг узвийлиги;
- умумий ўрта таълим мазмунининг инсонпарварлиги;
- таълим мазмунининг республикадаги барча худудларда бирлиги ва яхлитлиги;
- умумий ўрта таълимнинг мазмуни, шакли, воситалари ва усувларини танлашда инновацион технологияларига таяниш;
- педагогик тафаккурда қарор топган анъанавий қарашлар билан замонавий талабларнинг узвийлиги;
- ривожланган хорижий мамлакатларнинг таълим соҳаларидаги меъёрларини белгилашга оид тўпланган тажрибалардан миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда фойдаланишни йўлга қўйиш:

**5-жадвал**

**Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим мактабларининг I-XI синфлари учун 2018-2019 ўқув йилига мўлжалланган таянч ўқув режа**

Т/р	Фан йўналишлари ва ўқув фанлари	Синфлар ва ҳафталик ўқув соатлари											Ҳафталик умумий соат
		1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	
<b>I.</b>	<b>Филология фанлари</b>	<b>10</b>	<b>12</b>	<b>14</b>	<b>14</b>	<b>14</b>	<b>12</b>	<b>10</b>	<b>10</b>	<b>10</b>	<b>7,5</b>	<b>9</b>	<b>122,5</b>
1.1.	Она тили ва адабиёт	8	8	10	10	9	7	5	5	5	2,5	4	<b>73,5</b>
1.2.	Ўзбек тили/рус тили		2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	<b>20</b>
1.3.	Чет тили	2	2	2	2	3	3	3	3	3	3	3	<b>29</b>
<b>II.</b>	<b>Ижтимоий фанлар</b>	<b>1</b>	<b>1</b>	<b>1</b>	<b>1</b>	<b>3</b>	<b>3</b>	<b>4</b>	<b>5</b>	<b>6</b>	<b>4,5</b>	<b>4,5</b>	<b>34</b>
2.1.	Тарих					2	2	3	3	3	2	2	<b>17</b>
2.2.	Дунё динлари тарихи									1	1	1	<b>3</b>
2.3.	Давлат ва хукуқ асослари									1	1	1	<b>4</b>
2.4.	Одабнома	1	1	1	1								<b>4</b>
	Ватан туйғуси					1	1						<b>2</b>
	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари								1	1	1	0,5	<b>4</b>
<b>III.</b>	<b>Аник фанлар</b>	<b>5</b>	<b>5</b>	<b>5</b>	<b>5</b>	<b>5,5</b>	<b>5,5</b>	<b>5,5</b>	<b>6</b>	<b>7</b>	<b>6</b>	<b>6</b>	<b>61,5</b>
3.1.	Математика	5	5	5	5	5	5	5	5	5	4	5	<b>54</b>
3.2.	Информатика ва ахборот технологиялари					0,5	0,5	0,5	1	2	2	1	<b>7,5</b>
<b>IV.</b>	<b>Табиий ва иқтисодий фанлар</b>	<b>1</b>	<b>1</b>	<b>1</b>	<b>1</b>	<b>2</b>	<b>6</b>	<b>8</b>	<b>9</b>	<b>9</b>	<b>7</b>	<b>8</b>	<b>53</b>
4.1.	Физика ва астрономия						2	2	2	2	2	3	<b>13</b>
4.2.	Кимё							2	2	2	2	2	<b>10</b>
4.3.	Биология						1	2	2	2	2	2	<b>13</b>
4.4.	Табииёт ва география	1	1	1	1	1	2	2	2	2	2		<b>14</b>
4.5.	Иқтисодий билим асослари								1	1			<b>2</b>
4.6.	Тадбиркорлик асослари											1	<b>1</b>
<b>V.</b>	<b>Амалий фанлар</b>	<b>5</b>	<b>5</b>	<b>5</b>	<b>5</b>	<b>6</b>	<b>6</b>	<b>6</b>	<b>4</b>	<b>4</b>	<b>4</b>	<b>2,5</b>	<b>52,5</b>
5.1.	Мусика маданияти	1	1	1	1	1	1	1					<b>7</b>
5.2.	Тасвирий санъат ва чизмачилик	1	1	1	1	1	1	1	1	1			<b>9</b>
5.3.	Технология	1	1	1	1	2	2	2	1	1			<b>12</b>
5.4.	Жисмоний тарбия	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	1	<b>21</b>
5.5.	Чақиравгча қадар бошланғич тайёргарлик										2	1,5	<b>3,5</b>
<b>VI.</b>	<b>Касбий таълим</b>										6	6	<b>12</b>
	<b>Мактаб ихтиёридаги соатлар</b>	<b>0,5</b>						<b>0,5</b>	<b>0,5</b>	<b>1</b>	<b>1</b>		<b>3,5</b>
	<b>Умумий соатлар</b>	<b>22,5</b>	<b>24</b>	<b>26</b>	<b>26</b>	<b>30,5</b>	<b>32,5</b>	<b>34</b>	<b>34,5</b>	<b>37</b>	<b>36</b>	<b>36</b>	<b>339</b>
	<b>Амалий меҳнат машғулотлари (кун хисобида)</b>					<b>6</b>	<b>6</b>	<b>10</b>	<b>16</b>				

Умумий ўрта таълим давлат таълим стандартининг таянч ўқув режаси давлат таълим стандартининг таркибий қисми бўлиб, у таълим соҳаларини меъёrlаш ҳамда мактабнинг молиявий таъминотини белгилаш учун асос бўладиган давлат ҳужжати ҳисобланади. Таянч ўқув режаси ўқув фани бўйича бериладиган таълим мазмунини ўқувчига етказиш учун ажратилган соатларнинг минимум микдорини белгилаб синфда муайян ўқув фани бўйича давлат стандартларига мос келиши керак.

Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ўқувчиларнинг умумтаълим тайёргарлигига, савиясига қўйиладиган мажбурий минимал талабни белгилаб беради.

Давлат таълим стандарти таълим мазмуни, шакллари, воситалари, усууларини, унинг сифатини баҳолаш тартибини белгилайди. Таълим мазмунининг ўзаги ҳисобланган ДТС асосида мамлакатда фаолият кўрсатаётган турли муассасаларда (давлат ва нодавлат) таълимнинг барқарор даражасини таъминлаш шарти амалга оширилади. Давлат таълим стандарти ўз моҳиятига кўра ўқув дастурлари, дарсликлар, қўлланмалар, низомлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни яратиш учун асос бўлиб хизмат қиласи.

Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ўзининг тузилиши ва мазмунига кўра давлат, худуд, мактаб манфаатлари ва воситалари мувозанатини акс эттиради ҳамда, энг асосийси, ўқувчи шахси, унинг интилишлари, қобилияти ва қизиқишлиари устуворлигини намоён этади.

Давлат таълим стандартини бажариш Ўзбекистон Республикаси худудида фаолият кўрсатаётган мулкчилик шакли ва идоравий бўйсунишидан қатъий назар барча таълим муассасалари учун мажбурийдир.

Умумий ўрта таълим икки босқичдан иборат бўлиб, бошланғич (1-4-синфлар) ва умумий ўрта таълим (9-11-синфлар)ни қамраб олади.

Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти бошланғич ҳамда умумий ўрта таълим ниҳоясида ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган билим, қўникма ва малакаларнинг минимал даражасини белгилаб беради.

Хар бир синф якунида ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар таълим фанлари бўйича ишлаб чиқилган ўқув дастурларида ўз аксини топган.

## 6-жадвал

### Умумий ўрта таълим да давлат таълим стандартининг

#### 2018-2019 таянч ўқув режаси

№	Таълим соҳалари	Ўқув фанлари	Синфлар										Хафгалик умумий соатлар	Жами соат
			I	II	III	I	V	V	VI	VII	I	X		
			I	V	I	V	I	I	I	I	X			
Давлат ихтиёридаги соатлар														
1	Филология	Ўзбек тили		2	2	2	2	2	2	2	2	2	16	544
2		Она тили ва адабиёт	8	8	10	10	9	7	5	5	5	5	67	2270
3		Чет тили					3	3	3	3	3	3	15	510
4	билимлар	Тарих					2	2	3	3	3	3	13	442
5		Давлат ва хуқуқ асослари								1	1	1	2	68
6		билим асослари								1	1	1	2	68
7	Математика	Математика	5	5	5	5	5	5	5	5	5	5	45	1525
8		Информатика								1	1	1	3	102
9	Табиий билимлар	Физика						2	2	2	2	2	8	272
10		Киме							2	2	2	2	6	204
11		Биология					1	2	2	2	2	2	9	306
12		Табиат ва география	1	1	1	1	1	2	2	2	2	2	13	441
13	Маънавият	Одабнома	1	1	1	1							4	135
14		Ватан туйғуси					1	1					2	68
15		Маънавият асослари							1	1	1	1	3	102
16	Санъат	Мусиқа маданияти	1	1	1	1	1	1	1				7	237
17		Тасвирий санъат	1	1	1	1	1	1	1				7	237
18	Технология	Чизмачилик								1	1	1	2	68
19		Мехнат	1	1	1	1	2	2	2	1	1	1	12	407

20	Соғломлаштириш машғулотлари	Жисмоний тарбия	2	2	2	2	2	2	2	2	18	610
21		Хафталик умумий соатлар сони (давлат ихтиёридаги соатлар)	2 0	2	24	24	3 0	32	33	34	35	254 8616
22		Мактаб ихтиёридаги соатлар	2	2	2	2	2	2	2	2	18	610
23		Хафталик энг кўп дарслар сони	2 2	2	26	26	3 2	24	25	26	27	272 9226
24		Амалий меҳнат машғулотлари					6	6	10	16		

Юқоридаги жадвалларни таҳлил қиласар эканмиз, ҳар ўқув йили учун мўлжалланган ўқув режаси ишлаб чиқилиб, уни кузатганимизда, 2018-2019 ўқув йилига мўлжалланган ўқув режаси бўйича 1-6-синфлар янги дастур асосида, 7-11-синфлар эса амалдаги дастур асосида таълим олишининг боиси шуки, мамлакатимиз ўрта таълим муассасаларининг барча ўқувчилари ҳамма фанларни лотин алифбосида ўрганмоқдалар. Ҳозирги давлат таълим стандартидаги энг муҳим нарса шуки, унда ҳафталик соатлар аввалгидек 40-42 соатни эмас, балки 22-27 соатни ташкил қиласди ва булардан 2-4 соат мактаб маъмурияти ҳисобига берилган. Ушбу ҳужжат бошланғич таълими ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида миллий таълим тизимимизга мос қилиб яратилган. У ўз ичиға асосан филология – ўзбек тили, она тили ва ўқиши, математика, табиат, тиббиёт, инсон ва жамият, одобнома, мусиқа маданияти, тасвирий санъат, меҳнат ва жисмоний тарбияларни олади. 1-синф ўқувчисига ҳафтада 20 соат дарс мўлжалланган ва бир кунда 4 соатдан тўғри келади. Унинг 8 соати она тили ва ўқиши, 5 соати математика, 1 соатдан табиат, инсон ва жамият фанларини ўрганади, яъни ўқувчи ҳар куни 2 соат ақлий ва 1 соат жисмоний меҳнат билан

машғул бўлиши ҳам ватанимиз келажаги бўлган ёш авлод тарбиясига ғамхўрлик намунасиdir.

## 7-жадвал

### Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти

№	Таълим соҳалари	Ўқув фанлари	Синфлар				Ҳафталик умумий соатлар	Жами соатлар	
			I	II	III	IV			
<b>Давлат иҳтиёридаги соатлар</b>									
1	<b>Филология</b>	Ўзбек тили		2	2	2	6	204	
2		Она тили ва ўқиши	8	8	10	10	36	1216	
3	<b>Математика</b>	Математика	5	5	5	5	20	675	
4	<b>Табиат</b>	Табиат	1	1	1	1	4	135	
5	<b>Инсон ва жамият</b>	Одабнома	1	1	1	1	4	135	
6		Мусика маданияти	1	1	1	1	4	135	
7		Тасвирий санъат	1	1	1	1	4	135	
8		Мехнат	1	1	1	1	4	135	
9		Жисмоний тарбия	2	2	2	2	8	270	
10		Ҳафталик умумий соатлар (давлат иҳтиёридаги соатлар)	20	22	24	24	90	3040	
11		Мактаб иҳтиёридаги соатлар	2	2	2	2	8	270	
12		Ҳафталик энг кўп дарслар сони	22	24	26	26	98	3310	

Мутахассисларга бўлган талабни аниқлаш масаласи, одатда, етарлича мураккаблиги билан ажралиб туради. Уни ҳал этиш илмий-техник ва ижтимоий-иктисодий кўрсаткичларни эътиборга олиш, истиқболни белгилаш орқали амалга оширилади.

Мутахассисларга бўлган талабни аниқлаш қўйидаги асосий тамойиллар ва усуллар негизида амалга оширилади:

- Мутахассис кадрлар деб, олий маълумотга (бакалавр, магистр даражасидаги), шунингдек, мактабгача таълим, ўрта маҳсус маълумотга эга бўлган шахслар тушунилади.
- Одатда, мутахассис тайёрлаш жараёни маълум муддатни талаб қиласди.
- Мутахассисларга бўлган талаб икки турга бўлинади: ялпи талаб ва қўшимча талаб.

Мутахассисларга бўлган ялпи талаб деганда, маълум муддатдаги вақт оралиғида ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ёки бошқа турдаги хизмат вазифаларини амалга ошириш учун лозим бўлган жами мутахассисларнинг сони тушунилади.

Қўшимча талаб деганда эса, мавжуд мутахассислар сафини ишлаб чиқариш эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тўлдириб бориш учун мўлжалланган мутахассислар сони тушунилади.

Мутахассисларга бўлган талабни аниқлашнинг бир неча усуллари мавжуд бўлиб, уларнинг асосийлари қўйидагилардан иборат:

1. Мутахассислар билан таъминланганлик даражасини ҳисобга олиш усули. Бу усулда маълум муддат мобайнидаги мутахассислар сонини ишчи ва хизматчиларнинг умумий сонига нисбати тарзида динамик ва статистик коэффициентларини аниқлаш масаласи асос сифатида олинади.

2. Экстрополяция усули. Бир неча йилларга мўлжалланган узоқ муддатли ҳисоблашларни амалга оширишда, шунингдек, иш ҳажмини аниқ ҳисоблаш имкони бўлмайдиган соҳалар учун мутахассислар сонини аниқлашда экстрополяция усулидан фойдаланилади ва бу усулнинг аниқлик даражаси бир мунча паст ҳисобланади.

3. Меъёрий усул. Ушбу усулдан муассасада мавжуд штат бирлигидаги лавозимлар сонини эътиборга олган ҳолда ялпи ва қўшимча талабларни аниқлаш масаласи ҳал этилиб, муайян ҳақиқий шароитлар учун татбиқ қилинади.

Мутахассисларга бўлган талабни аниқлашнинг юқорида қайд этилган усууларни ҳар учаласидан муайян вазиятни эътиборга олган ҳолда фойдаланишга асосланган математик моделни қуриши қуидагича ифодаланади.

Бунинг учун қуидаги белгилашларни киритамиз:

i-худудлар (вилоятлар) индекси;  $i = \overline{1, n}$ ;

J- мутахасислар индекси;

t- жорий йил;

T- режалаштирилаётган йил;

TT-t – вақт орттирмаси;

$a_{it}$ -i- худуддаги ишлаб чиқариш билан банд бўлган ишчи ва хизматчилар сони;

$a_{it}$ -i-худуднинг t-йилдаги ишчи-хизматчилар билан тўлдирилиши;

$a_{it}$ -i- худудда t-йилда табиий чекланиш натижасида ишчи-хизматчиларнинг камайиши;

$b_{it}$ -i-худуддаги мутахассислар сони;

$b_{it}$ -i-худудда t-йилда мутахассисларнинг тайёрланиши (чиқарилиши);

$b_{jt}$ -j-худудда t-йилда табиий чекланиш натижасида мутахассисларнинг камайиши.

Муайян ишлаб чиқариш ёки ноишлаб чиқариш соҳасининг бирор бир мутахассислик бўйича кадрлар билан таъминланганлик даражасини ҳар бир 10 мингта банд ишловчи даражасидаги мутахассис кадрларнинг салмоғи (таъминланганлик даражаси) қуидаги формуладан аниқланади:

$$b_i = \frac{b_i^{10000}}{a_i} \quad (3.2.1)$$

Маълум вақт мобайнидаги (истиқболдаги 5-10 йил ичida) ўкув юртлари битирувчилари сонининг ҳар бир 10 мингта банд ишловчилар доирасидаги салмоғи

$$L_i = \frac{\sum_{t=1}^T [b_i + (b_{it} - b_{jt})T] - 10000}{\sum_t a_{it}} \quad (3.2.2)$$

формуласи ёрдамида аниқланади.

(3.2.1) формула шартлари асосида маълум муддатдан кейинги мутахассислар сони

$$Qb_i = b_i + (b_{it} - b_{jt}) \quad (3.2.3)$$

Формула ёрдамида аниқланади.

Мутахассисларга бўлган қўшимча эҳтиёж олинган натижалари билан шу соҳада ишлаётган мутахассислар сони орасида айирма шаклида топилади:

$$D_i = L_i - b_i \quad (3.2.4)$$

(3.2.1)–(3.2.4) формулалари ёрдамида аниқланган маълумотлар асосида худудларнинг мутахассислар билан таъминланганлик даражаси ва ўқув юртларига қабул режаларини аниқлаш имконига эга бўлинади.

Шундай қилиб, умумий ўрта таълим муассасалари бошқарувни такомиллаштиришда педагог мутахассисларга бўлган эҳтиёжни қондириш режали давр учун бажарилса, ҳар бир йилдаги битирувчилар ўзгариб боришса умумий талабни қондиришга йўналтирилади. Шу сабабли, 5-10 йил ичидаги аниқ мақсадни амалга ошириш мумкин бўлади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги «Таълим тўғрисида»ги қонуни. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Тошкент: Шарқ, 1997.- 31 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури». Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Шарқ, 1997.-31 б.

3. Ўзбекистон Республикаси «Таълим тизимини ислоҳотлаштириш бўйича меъёрий ҳужжатлар». 1-қисм, Т., 1998 й.
4. Ўзбекистон Республикаси «Таълим тизимини ислоҳотлаштириш бўйича меъёрий ҳужжатлар». 2-қисм, Т., 1998 й.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори (№406, 23.09.98 й) «1999-2005 йилларда академик лицейлар ва мактабгача таълим, ўрта маҳсус, касб-хунар коллежлари ҳамда академик лицейлар нинг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда маблағ билан таъминлаш дастури тўғрисида».
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 19 февралдаги «2004-2008 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чоратадбирлари тўғрисида»ги фармойиши.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Мирзиёев Шавкат Миромонович Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент.” Ўзбекистон” 2017
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Мирзиёев Шавкат Миромонович Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Тошкент.” Ўзбекистон” 2017
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Мирзиёев Шавкат Миромонович Конун устуворлиги ва инсон манфатларини таминлаш-юрга тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови. Тошкент.” Ўзбекистон” 2017
10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Мирзиёев Шавкат Миромонович Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Тошкент.” Ўзбекистон” 2017
11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Мирзиёев Шавкат Миромонович Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом этириб янги босқичга кўтарамиз. Тошкент.” Ўзбекистон” 2017

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга бағишиланган. Илмий оммабоп қўлланма. Тошкент-2018. ”  
Ўзбекистон”
13. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий мажлисга мурожаатномаси. 2018 йил, 28 декабрь //Халқ сўзи, 2018 йил, 29 декабрь.
14. Usmonov M. T. Solving Problems In Arithmetic Methods. International Journal of Academic Information Systems Research (IJAISR) ISSN: 2643-9026 Vol. 5 Issue 1, January - 2021, Pages: 58-61.
15. Usmonov M. T. Stenographic Protection of Information. International Journal of Academic and Applied Research (IJAAR) ISSN: 2643-9603 Vol. 5 Issue 1, January - 2021, Pages: 31-35.
16. Usmonov M. T. Telecommunications and Network Security. International Journal of Academic Engineering Research (IJAER) ISSN: 2643-9085 Vol. 5 Issue 1, January - 2021, Pages: 57-61.
17. Usmonov M. T. The Concept of Compatibility, Actions on Compatibility. International Journal of Academic Multidisciplinary Research (IJAMR) ISSN: 2643-9670 Vol. 5 Issue 1, January - 2021, Pages: 10-13.